

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

УМАРОВ ФАРХОД РАВШАНОВИЧ

**ОЁҚ ВЕНАЛАРИ ВАРИКОЗ КЕНГАЙИШИ ҚАЙТАЛАНИШИНИ
ХИРУРГИК ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.34 – Юрак қон томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Умаров Фарход Равшанович

Оёқ веналари варикоз кенгайиши қайталанишини хирургик даволашни
оптималлаштириш..... 3

Умаров Фарход Равшанович

Оптимизация хирургического лечения рецидивов варикозного
расширения вен нижних конечностей..... 21

Umarov Farkhod Ravshanovich

Optimization of surgical treatment for recurrence of varicose veins of the
lower extremities..... 39

Нашр қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 45

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

УМАРОВ ФАРХОД РАВШАНОВИЧ

**ОЁҚ ВЕНАЛАРИ ВАРИКОЗ КЕНГАЙИШИ ҚАЙТАЛАНИШИНИ
ХИРУРГИК ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.34 – Юрак қон томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида № В2025.1.PhD/Tib5662 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Суюмов Азамат Сайфуллаевич тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Абдурахманов Маъмур Мустафаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор Ирназаров Акмал Абдуллаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Жанубий Урал давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (204-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йули 10-ўй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

С.А. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори

Р.А. Ибадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси (PhD))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Оёқларнинг варикоз касаллиги кенг тарқалган сурункали касалликдир. Сўнгги вақтларда оёқларнинг веноз касаллигини даволашда эришилган сезиларли ютуқлар кўплаб инновацион термик ва нотермик усулларни ишлаб чиқишга олиб келди, улар орасида эндовеноз термик абляция афзал даволаш усули позициясини эгаллади. «Хар бир усул ўзининг афзалликлари ва чекловларига эга бўлсада, шунингдек, турли яқин ва ўрта муддатли натижаларни кўрсатсада, даволанишдан кейин қайталаниш кўрсаткичлари сезиларли бўлиб қолишини ва уларни эътиборсиз қолдириб бўлмаслигини ҳисобга олиш керак»¹. Ушбу патологияда эндовеноз муолажалар қўлланилиши тажрибаси ортиб бораётганига қарамай, рецидивларни даволаш тактикаси, улар учун энг мақбул усулни танлаш ва реинтервенция алгоритмини анатомик ва гемодинамик асосларни ҳисобга олган ҳолда белгилаш масалалари ҳалигача тўла ҳал этилмаган. Шунингдек, қайта эндовеноз облитерация учун зарур бўлган энергия режимлари ва технология параметрларини аниқ белгилаб бериш имконини берувчи узоқ муддатли кузатув натижалари ва юқори сифатли қиёсий тадқиқотлар етарли эмас. Шу боис ушбу тадқиқотнинг долзарблиги аниқ намоён бўлмоқда.

Жаҳон амалиётида ҳозирги кунда оёқлар варикоз касаллигида турли хил даволаш усулларида сўнг варикоз кенгайишининг қайта юзага чиқиш хусусиятларини ўрганиш, ушбу касалликнинг анатомик ва физиологик жиҳатларини замонавий нурли ташхис усуллари ёрдамида текшириш бўйича тадқиқотлар энг долзарб бўлиб қолмоқда. Беморларнинг узоқ муддатли натижалари ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган ҳолда, оёқ веналарининг варикоз кенгайиши қайталанишининг сабаблари ва тарқалишини инобатга олган ҳолда эндовеноз аралашувлар ишлаб чиқилмоқда ва такомиллаштирилмоқда.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш ва кўламини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича кенг қамровли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, оёқ веналарининг варикоз кенгайиши қайталанишида амалиёт натижаларини яхшилашда ижобий натижаларга эришилди. Шу билан бирга, кўрсатилаётган ёрдам сифатини ошириш учун хирургик ёрдами натижаларини баҳолаш ҳамда операциядан кейинги эрта ва кечки асоратлар пайдо бўлишини таҳлил қилиш орқали аралашувнинг такомиллаштирилган усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий асосланган натижалар талаб этилади. Мустақил Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясининг етти устувор йўналишига аҳолига малакали тиббий хизмат

¹ Bontinis A, Bontinis V, Koudounas G, et al. Interventions for the treatment of recurrent varicose vein disease arising from the saphenofemoral junction or the great saphenous vein: a systematic review and meta-analysis. *Int Angiol.* 2024;43(5):485-496. doi:10.23736/S0392-9590.24.05323-9.

кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган². Шунга кўра, жарроҳлик амалиётининг тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштириш орқали оёқ веналарининг варикоз кенгайиши қайталанишини жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилаш тадқиқотнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сонли «Хирургия хизматини трансформация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2022 йил 26 январдаги ПҚ-103-сонли «Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда ушбу соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Европа қон-томир жарроҳлиги жамияти (ESVS) томонидан яқинда эълон қилинган тавсияларга кўра, сафена венаси поясининг етишмовчилиги билан боғлиқ бўлган варикоз кенгайиши симптоматик қайталанишида, ултратовуш назорати остида эндовеноз термик абляция ёки кўпикли склеротерапия ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. «Агар эндовеноз термик абляцияни амалга ошириш имконияти мавжуд бўлса, жарроҳлик аралашуви (чов соҳасида такрорий операция) тавсия этилмайди»³.

Жарроҳлик даволашдан кейин варикоз томирларнинг мавжудлиги (PREVAIT) варикоз касаллиги жарроҳлигидан кейин тез-тез учрайдиган ҳодиса бўлиб, кўрсатилганидек, беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада пасайтиради. Шу муносабат билан даволаш усулини танлашда аралашувларнинг узок муддатли натижаларини ҳисобга олиш керак. Адабиётларда уч хил даволаш усулидан сўнг варикоз касаллигининг қайталаниш сони бўйича замонавий маълумотлар таҳлил қилинган: анъанавий операция (юқори боғлам ва стрипинг - HLS), эндовеноз лазер абляцияси (EVLA) ва радиочастотали абляция (RFA). Ўртача кузатув даври 18 ойдан 5 йилгача бўлган HLSдан кейинги беморларда PREVAIT сони 34,4% ни ташкил этди; 16,6% - EVLA дан кейин (ўртача кузатув 112 кундан 5 йилгача) ва 6,7% - RFAдан кейин (ўртача кузатув 106 кундан 5 йилгача). Қайталаниш механизмларига келсак, янги варикоз томирларнинг ривожланиши HLS (29,8-

² O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son Farmoni. «2022—2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida.» Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi — LEX.UZ.

³ De Maeseneer MG, Kakkos SK, Aherne T, et al. Editor's Choice - European Society for Vascular Surgery (ESVS) 2022 Clinical Practice Guidelines on the Management of Chronic Venous Disease of the Lower Limbs. *Eur J Vasc Endovasc Surg.* 2022;63(2):184-267. doi:10.1016/j.ejvs.2021.12.024.

91%) ва EVLA (40-81,6%) дан кейин энг кенг тарқалган вариант бўлган, RFA дан кейин эса катта тери ости венасининг окклюзияланган поясининг реканализацияси (67,0% гача ҳолларда) кўпроқ қайд этилган. Фақатгина битта тадқиқот ҳаёт сифати нуқтаи назаридан касалликнинг қайталанишини баҳолаган ва унда HLS ва EVLA дан кейин даволанган беморлар қатнашган, аммо RFA ўтказилган беморлар киритилмаган. Aberdeen Varicose Vein Questionnaire (AVVQ) сўровномаси натижалари, SF-36 шкаласининг жисмоний фаолият кўрсаткичлари ҳамда беморларнинг қониқиш даражаси клиник жиҳатдан касаллиги қайталанган беморларда сезиларли даражада паст бўлган. Касаллик қайталганда такрорий муолажалар сони HLS учун 7,7-37,7% ва EVLA учун 0-57,0% оралиғида бўлган (бешта тадқиқот маълумотларига кўра). Фақат битта тадқиқот RFA бўйича маълумот келтирган - 6,67%. Касалликнинг қайталаниши варикоз касаллигини даволашнинг узок муддатли самарадорлигини кўрсатувчи ишончли мезон ҳисобланади ва HLSдан сўнг кўпроқ кузатилади. Касалликнинг қайталаниш механизмлари турли-туман бўлишига қарамай, янги варикоз томирларнинг пайдо бўлиши энг кўп учрайдиган ҳолат бўлиб қолмоқда. Илмий адабиётларда “касалликнинг қайталаниш таърифи ва кузатув муддатларида сезиларли даражада фарқлар мавжуд”⁴.

Ўзбекистонда варикоз касаллигининг рецидивига доир тўпланган, далилларга асосланган маълумотлар базаси парчали хусусиятга эга. Республика ва вилоят марказларида клиник кузатувлар сериялари ва кичик тадқиқотлар нашр этилган бўлиб, уларда катта тери ости венасининг чўлтоғи ва носамарали перфорантлар роли, ультратовуш навигациясининг қўлланилиши, такрорий эндовеноз лазер облитерацияси ва склеротерапия масалалари кўриб чиқилган. Бироқ рецидивнинг ягона таърифлари, узок муддатли натижалар ва тўғридан-тўғри таққослама тадқиқотлар кам учрайди. Ўзбекистон Республикаси шароитида қуйидаги йўналишлар ҳали ҳам долзарб: рецидивларда ЭВЛО, радиочастотли абляция ва цианоакрилатли облитерацияни кўпмарказли таққослаш; амалиёт учун содда ва унификацияланган рецидивлар таснифини ишлаб чиқиш; рецидив предикторларини узок муддатли клиник-функционал натижалар билан боғлаб илмий тасдиқлаш.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, оёқ веналарининг қайталанган варикоз кенгайиши бўлган беморларда аралашув ҳажми ва турини танлаш ушбу касалликни даволашда юрак-қон томир жарроҳлари дуч келадиган энг мураккаб муаммолардан биридир. Ушбу йўналишда ҳал қилинмаган масалаларни ҳисобга олган ҳолда, шубҳасиз, оёқлар варикоз кенгайиши қайталаниши бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг самарали усулини аниқлаш учун кейинги клиник тадқиқотлар зарур.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «Академик В.Воҳидов номидаги РИХИАТМ» давлат

⁴ Miranda M, Sousa J, Mansilha A. PREVAIT after modern open surgery and endothermal ablation: a systematic review. *Int Angiol.* 2023;42(5):436-447. doi:10.23736/S0392-9590.23.05082-4.

муассасасининг илмий ишлари режасига мувофиқ доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади катта тери ости венаси чўлтоғининг лазерли облитерацияси ва перфорант веналарнинг елимли цианоакрилат облитерацияси ёрдамида оёқ веналарининг варикоз кенгайиши қайталаниши бўлган беморларни жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

эндовеноз лазер облитерациясидан кейинги узоқ муддатли даврда оёқ веналари варикоз кенгайишининг қайталаниш сони, манбалари ва муддатларини таҳлил қилиш;

сафен-феморал бирикмаси соҳасидаги катта тери ости венасининг диаметрига қараб оёқ веналарининг варикоз кенгайишининг қайталаниш сонини баҳолаш;

оёқ веналарининг варикоз кенгайиши қайталаниши бўлган беморларда тефлон қопламали ёруғлик ўтказгич ёрдамида катта тери ости венаси чўлтоғининг лазер облитерацияси натижаларини баҳолаш;

оёқ веналарининг варикоз кенгайиши қайталаниши бўлган беморларда перфорант веналарнинг елимли цианоакрилат облитерациясини қўллаш натижаларини баҳолаш;

оёқ веналарининг варикоз кенгайиши қайталаниши бўлган беморларни даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2018 йилдан 2024 йилгача бўлган даврда "VarikozOFF" замонавий флебология хусусий клиникасида оёқ веналарининг варикоз кенгайиши билан оғриган 1047 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети клиник ва ултратовуш кўрсаткичларини ўрганиш орқали жарроҳликдан кейинги даврда қайталанишлар табиатини баҳолаш орқали оёқ веналарининг варикоз кенгайиши бўлган беморларни жарроҳлик даволаш натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилган: веналарда олдинги аралашувлар тарихига оид маълумотларни тўплаш, физикал текширув, оёқларнинг веноз тизими ҳолатини чуқур ўрганиш учун ултратовуш доплер хариталашни ўз ичига олган ултратовуш усуллари ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эндовеноз лазер облитерациясидан кейинги узоқ муддатли кузатув даврида оёқ веналари варикоз кенгайишининг рецидивлари сони, манбалари, пайдо бўлиш муддатлари ва бирламчи аралашувдан кейин касалликнинг қайталанишининг анатомик ва гемодинамик хусусиятлари асосланган;

клиник жиҳатдан аҳамиятли варикоз рецидиви бўлган беморларда катта тери ости венаси патологик чўлтоғининг бутун узунлиги бўйлаб ишончли облитерацияни таъминлайдиган ва асоратлар хавфини минималлаштирувчи веноз рефлюкс-кондуитни ажратиш усули ишлаб чиқилган ва унинг самарадорлиги исботланган;

оёқ веналари варикоз кенгайишининг рецидивини олдини олиш ва даволаш усули такомиллаштирилган: ушбу усул цианоакрилат елим композициясини қўллашга асосланиб, патологик рефлюкс манбасининг ишончли ва кам травматик облитерациясини таъминлаши исботланган;

сафено-феморал бирикма соҳасида катта тери ости венаси диаметри билан рецидивлар сони ўртасида боғлиқлик статистик жиҳатдан аҳамиятли ва муҳим прогностик мезон сифатида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

клиник самарадорлигини ва даволаш натижаларини такомиллаштириш истиқболларини объектив баҳолаш имконини берган эндовеноз лазер облитерациясидан кейин оёқ веналарининг варикоз рецидиви ривожланишининг патогенетик жиҳатлари аниқланган;

такрорий аралашувларнинг клиник натижаларининг сезиларли даражада яхшилаган катта тери ости венаси чўлтоғининг лазер облитерациясида тефлон қопламали ёруғлик ўтказгичдан фойдаланишнинг клиник самарадорлиги исботланган;

юқори даражадаги окклюзия ва барқарор ижобий клиник натижага эришиш имконини берган, хавфсиз, каминвазив ва амбулатор шароитда даволаш имкониятларини кенгайтирган перфорант веналарнинг цианоакрилатли елимли облитерациясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

аралашув усулини индивидуал танлашни таъминлайдиган, такрорий рецидивлар хавфини камайтирган оёқ веналарининг варикоз рецидиви бўлган беморларни даволаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги беморлар оёқлари веноз тизими ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, инструментал ташхислашнинг замонавий усуллари, услубий ёндашувларнинг тўғри қўлланилганлиги, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, инструментал диагностик ва статистик тадқиқот усулларига асосланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва таклифлар ўзининг назарий аҳамиятига эга бўлиб, оёқлар веналарнинг варикоз кенгайиши қайталаниши бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг тактик жиҳатларини такомиллаштиришга сезиларли ҳисса қўшганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, оёқ варикоз касаллигининг рецидиви бўлган беморларда таклиф этилган тактика аралашувларнинг клиник самарадорлигини оширишга имкон берган. Тефлон қопламали ёруғлик ўтказгич ёрдамида лазер облитерациясини амалиётга жорий этиш, шунингдек, перфорант веналарнинг цианоакрилат елимли облитерациясини қўллаш рецидивлар сонини камайтиришга, асоратлар хавфини ва такрорий операцияларни камайтиришга ёрдам берган, ва узоқ муддатли натижалари яхшилانганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оёқ веналарининг варикоз кенгайиши қайталаниши бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: эндовеноз лазер облитерациясидан кейинги узок муддатли кузатув даврида оёқ веналари варикоз кенгайишининг рецидивлари сони, манбалари, пайдо бўлиш муддатлари ва бирламчи аралашувдан кейин касалликнинг қайталанишининг анатомик ва гемодинамик хусусиятлари асосланган - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий клиник ҳарбий госпитали (10.12.2024 йилдаги 211-сонли буйруғи), Паркент тумани тиббиёт бирлашмаси (17.12.2024 йилдаги 408-сонли буйруғи), «Najod Shifo» МЧЖ (17.12.2024 йилдаги 31-сонли буйруғи), (Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техник кенгашининг 07.07.2025 йилдаги 21/75-сонли хулосаси) амалиётига жорий этилган. Ижтимоий самарадорлик: ЭВЛОдан кейинги қайталаниш сони, манбалари ва муддатларини аниқлаш, асосий предиктор – КТТВ қуйилиш олди сегменти диаметрини верификация қилиш юқори хавф гуруҳини ажратиш ва мақсадли кузатув ва профилактик аралашувларни асослаш имконини берди: қуйилиш диаметри ≥ 12 мм бўлганда, чўлтоқдан қайталаниш сони 42,9% ни, < 12 мм диаметрда эса 26,0% ни ташкил этди ($\chi^2=9,55$; $p=0,002$; кузатув даври 6 ой-5 йил; 304 оёқ; жами қайталаниш 34,5%), бу хавфнинг тахминан 1,65 баравар ошишига мос келади ва янада қатъий диспансер назорати учун асос бўлиб хизмат қилади. Қайталанишнинг асосий манбаи – КТТВ чўлтоғига эътибор қаратиш ва техникани оптималлаштириш энг яхши бевосита натижалар билан бирга келади, бу эса такрорий аралашувларга бўлган эҳтиёжни, асоратлар сонини ва вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик муддатларини камайтиради, меҳнатга лаёқатли ёшдаги беморларнинг ҳаёт сифатини ва соғлиқни сақлаш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширади. Иқтисодий самарадорлик: ЭВЛОдан кейинги қайталанишлар сонининг КТТВ қуйилиш олди сегменти диаметрига боғлиқлиги аниқланганлиги туфайли хавф гуруҳини ажратиш ва тефлон қопламали ёруғлик ўтказгичдан фойдаланган ҳолда такомиллаштирилган усулни ўз вақтида қўллаш имконини берди. КТТВ чўлтоғининг реканализация даражаси стандарт усулда 12,5% дан такомиллаштирилган усулда 0% гача камайди ($p=0,039$), бу такрорий аралашувларга бўлган эҳтиёжни камайтирди. Трофик яра билан асоратланган қайталанишда қайта шифохонага ётқизиш ва операция қилишнинг ўртача нархи бир нафар бемор учун 12000000 сўмни ташкил этишини ҳисобга олсак, такомиллаштирилган усул билан даволанган 64 нафар беморнинг 8 нафариди (12,5%) қайталанишнинг олдини олиш бюджет маблағларини қарийб 96000000 сўмга иқтисод қилишни таъминлади. Бундан ташқари, такрорий касалхонага ётқизиш муддатини қисқартириш (ўртача 3 кунга) ҳисобига яна 70200000 сўм иқтисод қилинди (ўртача ётоқ кунининг нархи 365000 сўм). Хулоса: умумий иқтисодий самара 166200000 сўмдан ортик маблағларни тежаш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: клиник жиҳатдан аҳамиятли варикоз рецидиви бўлган беморларда катта тери ости венаси патологик чўлтоғининг бутун

узунлиги бўйлаб ишончли облитерацияни таъминлайдиган ва асоратлар хавфини минималлаштирувчи веноз рефлюкс-кондуитни ажратиш усули ишлаб чиқилган ва унинг самарадорлиги исботланган (04.07.2024 йилдаги IAP 7748-сонли Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ихтирога патенти) - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий клиник ҳарбий госпиталининг (10.12.2024 йилдаги 211-сонли буйруғи), Паркент туман тиббиёт бирлашмасининг (17.12.2024 йилдаги 408-сонли буйруғи), «Najod Shifo» МЧЖнинг (17.12.2024 йилдаги 31-сонли буйруғи), (Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техник кенгашининг 07.07.2025 йилдаги 21/75-сонли хулосаси) амалиётига жорий этилган. Ижтимоий самарадорлиги: касаллик қайталаниши бўлган беморларда КТТВ чўлтоғининг лазер облитерациясида тефлон қопламали ёруғлик ўтказгични қўллаш венанинг тўлиқ окклюзиясига эришиш ва реканализация ҳолатларини истисно қилиш имконини берди (стандарт усулда 12,5% га нисбатан 0%; $p=0,039$). Бу қайталаниш хавфини камайтиради, такрорий касалхонага ётқизиш ва аралашувларга бўлган эҳтиёжни камайтиради, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик муддатларини қисқартиради, беморларнинг ижтимоий фаоллиги ва ҳаёт сифатини оширади; технологияни жорий этиш СВЕ туфайли ногиронликни камайтиришга ёрдам беради ва касалликнинг ижтимоий юқини камайтиради. Иқтисодий самарадорлик: тефлонли ёруғлик ўтказгичдан фойдаланиш клиник ишончилиқни оширади (100% окклюзия стандарт радиал ёруғлик ўтказгичда 87,5% га қарши; $p=0,039$) ва харажатларни камайтиради: тефлонли ёруғлик ўтказгичнинг нархи 600000 сўмга арзонроқ; интродюсер ўрнига 450000 сўмлик периферик катетер 3500 сўмга ишлатилади. Битта аралашувда тежамкорлик - ўртача 1046500 сўм. Реканализациянинг йўқлиги 12,5% такрорий аралашувларни истисно қилади; чўлтоқда такрорий муолажанинг ўртача нархи 5500000 сўм бўлганда, 64 бемордан 8 тасида қайталанишнинг олдини олиш қўшимча 44000000 сўмга яқин маблағни тежаш имконини беради. Хулоса: 64 нафар беморни даволашда умумий иқтисодий самара 110,9 млн сўм маблағларни тежаш имконини берган; учинчи илмий янгилик: оёқ веналари варикоз кенгайишининг рецидивини олдини олиш ва даволаш усули такомиллаштирилган: ушбу усул цианоакрилат елим композициясини қўллашга асосланиб, патологик рефлюкс манбасининг ишончли ва кам травматик облитерациясини таъминлаши исботланган (04.07.2024 йилдаги IAP 7748-сонли Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ихтирога патенти) - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий клиник ҳарбий госпиталининг (10.12.2024 йилдаги 211-сонли буйруғи), Паркент туман тиббиёт бирлашмасининг (17.12.2024 йилдаги 408-сонли буйруғи), «Najod Shifo» МЧЖнинг (17.12.2024 йилдаги 31-сонли буйруғи), (Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техник кенгашининг 07.07.2025 йилдаги 21/75-сонли хулосаси) амалиётига жорий этилган. Ижтимоий самарадорлиги: варикоз касаллигининг қайталанган шакли билан оғриган беморларда ностабил перфорант веналарнинг цианоакрилат елимли облитерациясини жорий этиш перфорантларнинг бирламчи ва сақланиб қолган окклюзиясининг юқори сонини таъминлади, бу такрорий аралашувлар ва касалхонага ётқизиш эҳтиёжини камайтиради ва меҳнат қобилятини сақлайди.

Ишончли перфорантлар окклюзияси трофик бузилишлар (шу жумладан яралар) ва веноз қон кетишларда профилактик аҳамиятга эга, бемор, унинг оиласи ва соғлиқни сақлаш тизими учун СВЕнинг ижтимоий юқини камайтиради, усул юқори клиник самарадорлиги ва амбулатор форматда бажарилиши туфайли афзал деб топилган. Иқтисодий самарадорлик: перфорантларни даволашни елимли облитерациядан фойдаланган ҳолда амбулатор шаклга ўтказиш «харажат-натижа»нинг оптимал нисбатини таъминлайди, бир оёқ учун тўғридан-тўғри харажатлар - ўртача 503500 сўм (0,5 мл елим - 500000 сўм; периферик катетер - 3500 сўм) 96% самарадорлик билан. Этоксисклерол билан УТ-склеротерапия учун: самарадорлик 75% бўлганда 103500 сўм (2 мл - 100000 сўм; катетер - 3500 сўм); перфорант вена ЭВЛО учун - самарадорлик 95% бўлганда 5500000 сўм. «Муваффақиятли окклюзия нархи» (харажатлар/самарадорлик): елимли облитерация тахминан 524 480 сўм, склеротерапия - 138000 сўм, ЭВЛО - 5789500 сўм. Хулоса: елимли облитерация ЭВЛО дан устунлик қилади (қиёсланган/яхшироқ самарадорликда харажатлар камроқ) ва ҳар бир ҳолат учун 4996500 сўмни тежайди; склеротерапия билан таққослаганда, доимий окклюзияларнинг ўсишини таъминлаб, қўшимча 400000 сўмни талаб қилади, бу қайталаниш/асоратлар хавфи бўлган беморларда ўзини оқлайди ва такрорий мурожаатлар сонини ва қимматроқ аралашувларга бўлган эҳтиёжни камайтириш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: сафено-феморал бирикма соҳасида катта тери ости венаси диаметри билан рецидивлар сони ўртасида боғлиқлик статистик жиҳатдан аҳамиятли ва муҳим прогностик мезон сифатида аниқланган - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий клиник ҳарбий госпиталининг (10.12.2024 йилдаги 211-сонли буйруғи), Паркент туман тиббиёт бирлашмасининг (17.12.2024 йилдаги 408-сонли буйруғи), «Najod Shifo» МЧЖнинг (17.12.2024 йилдаги 31-сонли буйруғи), (Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техник кенгашининг 07.07.2025 йилдаги 21/75-сонли хулосаси) амалиётига жорий этилган. Ижтимоий самарадорлик: прогностик мезон - сафено-феморал бирикмаси зонасида КТТВ диаметрининг верификацияси – қайталаниш хавфи юқори бўлган гуруҳни ажратиш ва унинг учун мақсадли диспансер кузатуви ва профилактикасини стандартлаштириш имконини берди. Бўсага қиймати (≥ 12 мм) қайталанишнинг юқори сони билан боғлиқ (42,9% га нисбатан 26,0%; $\chi^2=9,55$; $p=0,002$), бу эса кучайтирилган УТДС-назоратни (1-, 14-кун, 2 ва 6 ой) ва рефлюкс манбаларини эрта бартараф этишни асослайди. Бундай хавфга мўлжалланган йўналтириш куйидагиларга имкон беради: сурункали веноз етишмовчиликнинг кеч қайталаниш эҳтимолини ва асоратланган шакллари (трофик яралар, тромбофлебит, қон кетиш) улушини камайтириш, такрорий касалхонага ётқизиш ва аралашувларга бўлган эҳтиёжни камайтириш, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик муддатларини қисқартириш ва меҳнатга лаёқатли ёшдаги беморларнинг ҳаёт сифати ва ижтимоий фаоллигини ошириш. Шу билан бирга, ресурсларни оқилона тақсимлаш яхшиланади (амбулатория бўғини ва мақсадли профилактика тадбирларининг устуворлиги) ва қон томир жарроҳлиги хизмати ишининг самарадорлиги ошади. Иқтисодий самарадорлик: Прогностик мезон сифатида сафено-феморал бирикмаси зонасидаги КТТВ

диаметридан фойдаланиш (≥ 12 мм) юқори хавфли беморларни олдиндан ажратиш ва такрорий аралашувларнинг бир қисмини олдини олиш имконини беради. Хавф-хатарга йўналтирилган даволаш усулисиз бундай 100 нафар бемордан тахминан 43 нафарига, бизнинг ёндашувимиз билан эса 26 нафарга яқин беморга такрорий жарроҳлик амалиёти зарур бўлади. Бу такрорий 17 кам дегани. Битта такрорий муолажа 5,5 млн сўм туради. Демак, 100 нафар бемор ҳисобига $17 \times 5,5$ млн = 94 млн сўм ёки бир нафар бемор ҳисобига 0,94 млн сўм иқтисод қилинади. Хулоса: сафено-феморал бирикмаси зонасида КтТВ диаметри ва қайталаниш сони ўртасида ўрнатилган статистик аҳамиятли боғлиқлик ушбу кўрсаткичдан мустақил прогностик мезон сифатида фойдаланишни асослайди. ≥ 12 мм қийматни окклюзиянинг юқори барқарорлиги ва тартибга солинган ултратовуш кузатуви билан хавфга йўналтирилган усулни танлашни талаб қиладиган салбий белги сифатида баҳолаш керак. Мезоннинг операциядан олдинги текширув стандартига киритилиши даволаш самарадорлигини оширади ва такрорий аралашувларга бўлган эҳтиёжни камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 6 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, илмий янгилик ва натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти келтирилган, ишнинг апробацияси ва эълон қилинган натижалари, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг «**Оёқ веналари варикоз кенгайиши қайталанишини ташхислаш ва даволашдаги муоммоларининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Унда оёқ веналари варикоз кенгайиши қайталаниши билан касалланган беморларни ташхислаш ва замонавий жарроҳлик усуллари ороқали даволаш муаммоси бўйича илмий маълумотлар синчковлик билан таҳлил қилинган, танқидий баҳоланган, умумлаштирилган ва тизимга солинган.

Диссертациянинг «**Клиник материал тавсифи ва тадқиқот усуллари**» номли иккинчи бобида клиник материалга ҳамда фойдаланилган тадқиқот усуллари бағишланган. Диссертация ишининг асосини 2018 йилдан 2024 йилгача бўлган даврда «VarikozOFF» замонавий флебология хусусий

клиникасида оёқ веналарининг варикоз кенгайиши билан оғриган 1047 нафар беморга турли хил аралашув усуллари қўлланилган даволаш натижалари келтирилган.

Тадқиқот дизайни қуйидаги йўналишларни ўз ичига олган:


1) ЭВЛОдан кейин оёқ веналарининг варикоз кенгайиши қайталанишининг сони ва манбаларини ўрганиш учун «VarikozOFF» замонавий флебология хусусий клиникаси негизида дастлабки ултратовушли хариталаш ҳамда рефлюкснинг манбаи ва тарқалиш йўлини аниқлашдан сўнг КТТВ ёки КЧТВ пояси ЭВЛО операцияси ўтказилган 470 нафар беморда ретроспектив бир марказли обсервацион тадқиқот ўтказилган.

2) ЭВЛОдан сўнг оёқ веналарининг такрорий варикоз кенгайиши манбаи сифатида КТТВ чўлтоғининг ҳолатини баҳолаш учун рандомизацияланган бир марказли проспектив тадқиқот ўтказилган. Тадқиқотга 304 нафар бемор киритилган бўлиб, улар икки гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳга қўйилиш жойида КТТВ диаметри 12 мм дан ортиқ бўлган 154 нафар бемор, иккинчи гуруҳга эса КТТВ диаметри 12 мм дан кам бўлган 150 нафар бемор киритилган.

3) Веналар варикоз кенгайиши қайталаниши билан оғриган беморларни даволашда оригинал тефлон қопламали цилиндрсимон ёруғлик ўтказгичдан фойдаланган ҳолда КТТВ чўлтоғининг оригинал ЭВЛО усулининг самарадорлиги ва хавфсизлигини ўрганиш учун 64 нафар бемор танлаб олинган. Беморлар 32 нафар бемордан иборат икки гуруҳга конверт усулида рандомизирланган. «VarikozOFF» клиникаси негизида бир гуруҳга қопламасиз оддий радиал ёруғлик ўтказгич билан КТТВ чўлтоғининг ЭВЛОси бажарилган, иккинчи гуруҳга тефлон қопламали ёруғлик ўтказгичдан фойдаланган ҳолда оригинал усул бўйича КТТВ чўлтоғининг ЭВЛОси бажарилган.

4) Оёқ веналарининг варикоз кенгайиши қайталаниши бўлган беморларни даволашда оригинал усул бўйича перфорант веналарнинг цианоакрилат елимли облитерацияси самарадорлигини баҳолаш учун оёқ веналарининг варикоз кенгайиши қайталаниши бўлган 209 нафар беморда (253 нафар оёқ) когорт проспектив тадқиқот ўтказилган, уларда перфорант веналар етишмовчилиги рефлюкс манбаи бўлган.

Диссертациянинг «**Эндовеноз лазер облитерациясидан кейин веналар варикоз кенгайишининг қайталаниш сони ва манбаларини баҳолаш натижалари**» деб номланган учинчи бобида оёқлар варикоз кенгайишининг қайталаниш муддатлари таҳлили шуни кўрсатдики, қайталанишнинг ўртача даври 2,36 йилни, медианаси эса 2,4 йилни ташкил қилган. Аксарият қайталанишлар 2,0-2,675 йил оралиғида содир бўлган, бу даволанишдан кейин касалликнинг нисбатан барқарор хусусиятини кўрсатади (1-расм).



1-расм. Оёқ веналари варикоз кенгайишининг қайталаниш муддатлари.

Олинган маълумотлар беморларни олиб боришга шахсий ёндашув, шунингдек, касалликнинг такрорланиш вақтига таъсир қилувчи омилларни янада чуқурроқ ўрганиш зарурлигини таъкидлайди, бу эса қайталанишларни башорат қилиш ва уларнинг олдини олиш стратегияларини ишлаб чиқишда фойдали бўлиши мумкин. Статистик таҳлил жараёнида олинган маълумотлар беморларда қайталаниш белгиларини ўз вақтида аниқлаш учун EVLO ўтказилгандан сўнг камида уч йил давомида фаол диспансер кузатувини олиб боришнинг клиник жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Қайталанишнинг пайдо бўлиш сони аралашув қайси ҳавзада амалга оширилганига боғлиқ эмаслиги аниқланди (1-жадвал).

КтТВ ЭВЛО дан кейин оёқ веналари варикоз кенгайишининг қайталаниш манбалари қуйидагилар бўлди: КтТВ чўлтоғи орқали рефлюкс (шу жумладан, қуйилиш қисмининг реканализация ҳолатлари) - 87,6%, КтТВ қисман реканализацияси (шу жумладан, перфорант етишмовчилиги таъсирида реканализация ҳолатлари) - 11,4%, КтТВ ҳавзасидан ташқаридаги рефлюкс (шу жумладан, КтТВ ҳавзасидан ташқаридаги етишмовчилиги бўлган перфорантда биринчи марта юзага келган рефлюкс ва КчТВдаги рефлюкс) - 8,5%. КчТВ ЭВЛОдан сўнг оёқ веналари варикоз кенгайишининг қайталаниш манбалари қуйидагилар бўлди: КчТВ чўлтоғи орқали рефлюкс (шу жумладан, қуйилиш қисмининг реканализацияси ҳолатлари) - 73,7%, КчТВ нинг қисман реканализацияси (шу жумладан, етишмовчилиги бўлган перфорант вена таъсирида реканализация ҳолатлари) - 5,3%, КчТВ ҳавзасидан ташқаридаги рефлюкс (шу жумладан, КчТВ ҳавзасидан ташқаридаги етишмовчилиги бўлган перфорант венада биринчи марта юзага келган рефлюкс ва КтТВ даги рефлюкс) - 26,3%.

1-жадвал

Жарроҳлик амалиёти бажарилган ҳавзага боғлиқ ҳолда қайталанишнинг учраш сони.

Ҳавза	Қайталаниш	Қайталанишсиз	Жами	$\chi^2 = 0.015.$ $p > 0.05.$ Муҳимлилик даражаси $p = 0.904.$
КтТВ	105 (34,8%)	197 (65,2%)	302 (100%)	
КчТВ	19 (33,9%)	37 (66,1%)	56 (100%)	
Жами	124 (34,6 %)	234 (65,4%)	358 (100%)	

ЭВЛО дан кейин варикоз касаллиги қайталаниши бўлган беморларда амалга оширилган аралашувлар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

ЭВЛОдан кейин веналарнинг варикоз кенгайиши қайталанишини тузатиш мақсадида амалга оширилган аралашувлар.

Қайталаниш манбалари	Бартараф этиш усули, аралашувлар сони		
	ЭВЛО	Склеротерапия	Минифлеб-эктомия
Кўшимча тери ости веналари бўйича рефлюкс	12	5	-
КтТВ реканализацияси	10	3	-
Облитерацияланган сегментдан дистал рефлюкс	2	3	-
Сон ва болдирнинг перфорант веналари	4	2	-
Кичик чаноқ веналаридан оқимлар	-	3	-
КчТВ реканализация	3	1	-
Экстрафасциал сегмент бўйича рефлюкс	1 (Total EVLO)	1	1
КчТВ ЭВЛОдан кейин КтТВ бўйича рефлюкс	2	-	-
КчТВ нинг краниал давоми	12	5	-
ЖАМИ	46	23	1

Аксарият ҳолларда қайталаниш КтТВ чўлтоғи орқали изоляцияланган рефлюкс натижасида юзага келган. Ушбу беморларнинг ҳар ўнинчисида етишмовчилиги бўлган перфорант веналар билан бирга келган. Қайталаниш сезиларли даражада тез-тез биринчи гуруҳ беморларида сафено-феморал бирикмаси соҳасида КтТВ диаметри кўпроқ (=)12 мм бўлганида юзага келган. Шундай қилиб, биринчи гуруҳда 154 беморнинг 66 (42,9%) сида қайталаниш юзага келган, иккинчи гуруҳда эса сафено-феморал бирикмаси соҳасида КтТВ диаметри 12 мм дан кам бўлган 150 беморнинг 39 (26%) сида қайталаниш юзага келган ($\chi^2 = 9.55$; $p = 0.002$). Шу билан бирга, сафено-феморал бирикмаси соҳасида КтТВ диаметри каттароқ (=)12 мм бўлган 154 нафар бемордан 88 (57,1%) нафаридан ва сафено-феморал бирикмаси соҳасида КтТВ диаметри 12 мм дан кам бўлган 150 тадан 111 (74%) ҳолатда ($\chi^2 = 9.55$, $p < 0.01$, $p = 0.002$)

қайталанишлар кузатилмади. Умумий иккала гуруҳда ҳам қайталанишлар 105 (34,5%) ҳолатда кузатилган (3-жадвал).

3-жадвал

Узоқ муддатли даврда облитерацияланган вена диаметрига қараб ЭВЛОдан кейин қайталанишнинг ривожланиш сони

Гуруҳ	Бирикма диаметри	Қайталаниш	Қайталанишсиз	Жами	
I	(=) 12мм дан кўп	66 (42,9%)	88 (57,1%)	154 (100%)	$\chi^2 = 9.55$ $p < 0.01$ $p = 0.002$
II	12мм дан кам	39 (26%)	111 (74%)	150 (100%)	
Жами		105(34,5%)	199 (65,5%)	304 (100%)	
χ^2 мезонининг қиймати 9.550 ни ташкил этади. Омил ва натижавий белгилар ўртасидаги боғлиқлик $p < 0,01$ аҳамиятлилик даражасида статистик аҳамиятга эга. Муҳимлилик даражаси $p = 0.002$					

Диссертациянинг «Оёқлар варикоз касаллиги қайталанишини даволашнинг оригинал минимал инвазив усулларини қўллаш натижалари» деб номланган тўртинчи бобида тефлон қопламали ёруғлик ўтказгич қўлланилган гуруҳида 100% беморларда катта тери ости венаси чўлтоғининг облитерациясига эришилган; стандарт радиал ёруғлик ёруғлик ўтказгич қўлланилган гуруҳида катта тери ости венаси чўлтоғи реканализациясининг 4 (12,5%) ҳолати қайд этилган, $\chi^2 = 4.267$, $p = 0.039$ (4-жадвал).

4-жадвал

А ва Б гуруҳларда КТТВ чўлтоғининг реканализация ва муваффақиятли облитерация сони.

Гуруҳ	КТТВ чўлтоғи облитерацияси	КТТВ чўлтоғи реканализацияси	Жами
А гуруҳи (тефлон қопламали ёруғлик ўтказгич)	32 (100%)	0 (0%)	32 (100%)
Б гуруҳи (стандарт радиал ёруғлик ўтказгич)	28 (87,5%)	4 (12,5%)	32 (100%)
Жами	60	4	64 (100%)
$\chi^2 = 4.267$. Омил ва натижавий белгилар ўртасидаги боғлиқлик $p < 0.05$. Муҳимлилик даражаси $p = 0.039$.			

Тефлон қопламали ёруғлик ўтказгич қўлланилган беморлар гуруҳида куйиш барча 32 ҳолатда (0%) кузатилмади; стандарт радиал ёруғлик ўтказгич қўлланилган беморлар гуруҳида кварцли «зайтун» ёруғлик ўтказгичининг куйиши 32 бемордан 30 тасида (93,8%) кузатилди, $\chi^2 = 56,471$ ни ташкил этди, $p < 0,001$ (5-жадвал).

5-жадвал

А ва Б гуруҳларда ёруғлик ўтказгичнинг КТТВ деворига куйиш сони.

Гуруҳ	Ёруғлик ўтказгичнинг куйдириши	Ёруғлик ўтказгичнинг куйдирмаслиги	Жами
А гуруҳи (тефлон қопламали ёруғлик ўтказгич)	0 (%)	32(100%)	32(100%)
Б гуруҳи (стандарт радиал ёруғлик ўтказгич)	30 (93,8%)	2 (6,2%)	32 (100%)
Жами	30	34	64(100%)

χ^2 мезонининг қиймати 56.471 ни ташкил этади. Муҳимлилик даражаси $p=0.01$ бўлганда χ^2 нинг критик қиймати 6.635 га тенг. Омил ва натижавий белгилар ўртасидаги боғлиқлик $p < 0,01$ аҳамиятлилиқ даражасида статистик аҳамиятга эга. Муҳимлилик даражаси $p < 0,001$

